

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ

ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Педагогика психология ва ўқитиш методикаси кафедраси

5140900 – Касб таълими (Агрономия) йуналиши буйича

бакалавриат 4-01 гуруҳ ўқувчиси

Мардонов Хасаннинг

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ

ИШИ

**Мавзу: касб-хунар коллежи ўқувчиларига таълим бериш жараёнида
мультимедиа тизимини қўллаш**

Илмий раҳбар:

“ Педагогика психология ва ўқитиш методикаси “

кафедраси доценти

С.Н.Жўраева, ассистент

З.Ш.Юнусходжаев

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди.

“Педагогика, психология ва ўқитиш методикаси”

кафедрасининг мудири, доцент

_____ С.Н.Жўраева

“ _____ 2014 йил

Агрономия факултети декани,

доцент _____ Х.Х.Алланов

“ _____ ” _____ 2014 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ.....

**I БОБ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМИДАН
Фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари**

**1.1 Ўқувчиларга таълим бериш жараёнида мультимедиа
тизимни қўллаш.....**

**1.2. Таълим жараёнида компьютер ва техник воситалардан
фойдаланиш.....**

**II БОБ. МЕДИАТАЪЛИМ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТИ СИФАТИДА**

2.1.Электрон ўқув-методик мажмуасини яратиш технологияси

**2.2.Медиаатаълим ўқитишнинг мазмуни, усуллари ва
ташкилий шакллари сифатида.....**

2.3. Масофавий ўқитишнинг концептуал асослари.....

**2.4.Коллеж ўқувчилари компьютер технологияларининг
асосий дидактик функцияларини билиши.....**

III. ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....

IV.Фойдаланилган адабиётлар.....

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Республикамизнинг иқтисодий ўсиши, унинг жаҳон ҳамжамиятида рақобатбардош бўлиб бориши ҳамда эришилаётган ютуқлар барқарорлигини келгусида ҳам таъминлаш, қолаверса, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш зарурати жаҳон ҳамжамиятида фан, иқтисодиёт, бошқарув ҳамда бошқа йўналишларда юз бераётган ўзгаришлар ва ютуқларни билиш, англаш, асосли хулосалар қабул қилишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча соҳаларида жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётнинг юксалиш босқичи изчил давом этмоқда. Модернизация жараёнлари мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган бўлиб, иқтисодиёт, таълим ва бошқа соҳаларни модернизация қилиш, энг аввало, ушбу жараёнларда иштирок этувчи, уларни амалга оширувчи ва доимий равишда такомиллаштириб борувчи жамият аъзоларининг дунёқараши ва тафаккуридаги ўзгаришларга, уларнинг демократик ва туб ислохот жараёнларидаги фаоллиги ошишига бевосита боғлиқ.

Ўзбекистоннинг эртанги ривожини йўлида тузилган дастурлар ва уларни бажариш учун яратилган моддий асос ва имкониятлар, сафарбар этилган сармояларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли омил юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшлар ҳисобланади. «СОҒЛОМ БОЛА йили» Давлат дастурида ўсиб келаётган авлоднинг бугунги кунда таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базадан самарали фойдаланишини таъминлаш, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилган. Таълим тизимининг самарадорлигини ошириш, соҳага педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш масалалари ҳам дастурда ўз ифодасини

топган. Янги турдаги таълим муассасаларининг жорий этилиши, ўқитувчилар томонидан қўлланилаётган таълим технологияларининг ранг-баранглиги, узлуксиз таълимнинг барча турларига тажриба-синов ишларининг кенг ёйилиши, юқори малакали, ижодий илмий-педагогик тафаккурга эга бўлган новатор ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжни зарурат даражасига кўтарди. Ўқитувчининг вариатив таълим амалиётининг илғор тажрибаларини ўзлаштириш ва оммалаштириш қобилияти, унинг инновацион педагогик фаолиятга тайёргарлик даражасига боғлиқ. Бундай тайёргарликнинг ҳуқуқий, назарий асосларини «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», узлуксиз таълим тизимини такомиллаштириш, самарадорлигини оширишга қаратилган Давлат дастурлари, Давлат таълим стандартлари ташкил этади ва ўқитувчига ўз-ўзини ривожлантириш, ўзлигини намоён қилишга имконият беради. Бу, ўз навбатида, педагоглар тайёрловчи олий таълим муассасасида бўлажак ўқитувчининг илмий-назарий, психологик-педагогик, илмий-методик тайёргарлигини инновацион фаолиятга йўналтириш, уни педагогик янгиликларни қабул қилиш, баҳолаш ва таълим мақсадларига эришиш йўлида янгиликни тўғри ва самарали қўллай оладиган ижодкор шахс сифатида шакллантириш талабини келтириб чиқарди. Ўқувчиларига таълим бериш жараёнида мультимедиа тизимни қўллаш орқали амалдаги ўз педагогик фаолиятини англаш, янада юқори натижаларга эришиш мақсадида ўқув-тарбия жараёнини ўзгартириш ва ривожлантириш, янги билим, бошқа бир сифатдаги педагогик тажрибага эга бўлишдаги жараён тушунилади. Таълим бериш жараёнида мультимедиа тизимни қўллаш доирасида таълим олувчиларни тушуниш, унга таълим ва тарбия бериш, ривожлантиришга бўлган янги фалсафий-педагогик, психологик-педагогик ёндашувлар; таълим мазмуни ва методларини қўллашнинг янги концептуал педагогик ғоялари; ўқувчининг фаолияти ва ҳаётини ташкил этишнинг янги шакллари ҳамда педагогларнинг бошқариш ва ўз-ўзини бошқариш ота-оналар ва ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсиридаги фаолияти амалга оширилади. Президентимиз

И.А.Каримов айтганларидек, «Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурати туғилмасин, гап охир- оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги, ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ»¹. Юқорида қайд этилган ҳолатлар ўқитувчининг таълим бериш жараёнида мультимедиа тизимни қўллаш орқали инновацион педагогик фаолиятга тайёрлигини касбий-педагогик тайёргарликнинг муҳим сифат даражаси деб қараш, инновацион фаолиятга тайёрлашнинг назарий ва амалий асосларини аниқлаш орқали бундай тайёргарликни шакллантиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Битирув малакавий ишининг асосий мақсади: Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига таълим бериш жараёнида мультимедиа тизимни қўллаш орқали таълим самарадорлигини ошириш.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- а. 1. Касб ҳунар коллежи ўқувчиларига таълим бериш жараёнида мультимедиа тизимидан фойдаланиб таълимни ташкил этиш жараёнини ўрганиш.
2. Мультимедиа воситаларидан фойдаланиб билим олишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.
3. Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларини электрон китоб ўқишга тайёргарлик даражаси, ўқувчиларнинг интернетда ишлашни ўргатиш орқали касбий билимларини ошириш йўллари аниқлаш.
4. Масофавий таълимни ташкил этиш орқали таълим самарадорлигини ошириш услубларини ишлаб чиқиш.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000– Б.246.

Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти: Тадқиқот натижалари таълимда мультимедиа тизимдан фойдаланиб ўқишни ташкил этишда, интернет масалаларига доир ишлар учун, ўқитувчи компьютер саводхонлигини оширишда, масофавий ўқишлар соҳаларини амалий материаллар билан бойитишга хизмат қилади. Амалий аҳамияти эса: касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига таълим бериш жараёнида мультимедиа тизимини қўллаш асосида ўқиш-ўқитиш жараёнини тўғри ташкил этиш, шу соҳага хос телеконференциялар, ТВ кўрсатувлар ташкил қилиш, ўқитиш методикаси бўйича ўқув қўлланмалар, услубий кўрсатмалар яратишда самарали фойдаланишдан иборат.

I. АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг тақдирида юқори малакали мутахассисларнинг роли бениҳоя каттадир. Президентимиз

таъкидлаганларидек: «Эртанги кун янгича фикрлай оладиган, замонавий билимга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади»². Шу сабабли халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлари, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологиялар асосида етук мутахассислар тайёрлаш тизими ишлаб чиқилди ва жадал суръатлар билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Таълим тизимида чуқур ва кенг кўламли ислохотларнинг мазмуни ва амалга ошириш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да ўз ифодасини топган.

Жумладан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таъкидланганидек, «Кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмуни мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш» лозим.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими жараёнининг асосий субъектлари - ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини янги педагогик, хусусан инфорацион ва коммуникацион технологиялар билан бойитиш жараёнини дидактик ва услубий таъминоти, бу технологияларини муайян кўламда татбиқ этиш бўйича “информатика” фанини ўқитишда мультимедиа воситалар, презентацион ва ихтисослашган дастурий муҳитлардан фойдаланган ҳолда, мос инновацион дастурий - дидактик мажмуа яратиш ва уни тажрибада синаш, шунинг назарда тутиб, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари асосида автоматлаштирилган информатика фанини чуқур ўрганиш ва дидактик услубларни аниқлаш мақсадида битирув малакавий ишининг мавзуси қилиб олинди.

I БОБ. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМИДАН

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000– Б.246.

Фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари

1.1. Ўқувчиларга таълим бериш жараёнида мультимедиа тизими қўллаш

Ўзбекистон республикаси таълим тизимига замонавий ахборот технологияларига асосланган янги педагогик технология кириб келди. Замонавий ахборот технологияларининг ҳар бири маълум техник, дастурий ва бошқа таъминотларга боғлиқ.

Маълумки, жамият ривожланган сари иқтисодиёт, фан, технология, маданият, санъат, тиббиёт каби жабҳаларнинг турли масалалари ҳақида мавжуд маълумотлар ахборот захираларидан фойдаланишни ташкил этиш интеллектуал ва иқтисодий ҳаётга тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Одамзод ҳар дақиқа сезги аъзолари орқали атроф муҳитни ахборот йиғиб фикр қилиш ва ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш чораларини ўйлаб топиб амалга ошириш билан кун кўради. Инсонлар қаерда бўлмасинлар – замон талабига мос равишда малакасини ошириб, янги маълумотлар билан билим базасини янгилаб бориши кераклигини бугунги кун тақозо этмоқда. Ҳар бир инсон деярли ҳар куни ўзи учун турли маълумотларга эга бўлади. Масалан, молиявий, илмий ёки оддий кундалик воқеаларни қабул қилади ва қанақадир билимларга эга бўлади. Эҳтиёжлар шунини талаб этмоқдаки, олинган билимларнинг хотирада сақланиши ва уни керак бўлганда амалда қўлай билиш, учун қабул қилинаётган билимлар, қандай тайёрланганлиги, кўргазмалилиги ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу битирув малакавий ишнинг мақсади дарс жараёнида компьютер ёрдамида фанлар бўйича мустақил ўрганиш имкониятини, уни қўлланиш, анимациялардан фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат. Битирув малакавий ишининг илмий амалий аҳамияти шундан иборатки, ўқувчиларда фанга бўлган қизиқишларини ошириш ва мавзунини мустақил ўзлаштириш самарадорлигини ва аҳамиятини шакллантириш. Информатика фанини

Ўқитишда мультимедиа тизими ҳақида тушинча бериш, мультимедиа воситаларидан фойдаланиб билим олишнинг аҳамияти, унинг яхши тарафларини айтиб ўтиш лозим. Мультимедиали ўргатувчи дастурлар матн, графика, видео, товуш ва анимацияларни кўзда тутди, яъни ўқувчи бирон бир фан бўйича ўзича ўрганмоқчи бўлса, компьютерга ёзилган махсус дастурни ишга туширади. Бу дастурлар асосан фаннинг назарий бўлиmidан, амалий машғулотлари ва назорат (тест) топшириқларидан иборат бўлиши мумкин. Ўқувчиларга дастурнинг структураси билан таништириш керак бўлади. Бундай дастурлар орқали олинган билим хотирада кўп вақт сақланади ва керак бўлганда амалда қўлланиш имконини беради.

МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИ

Мультимедиа-гуркираб ривожланаётган замонавий ахборотлар технологиясидир. Унинг ажралиб турувчи белгиларига қуйидагилар киради: ахборотнинг хилма-хил турлари: анъанавий (матн, жадваллар, безаклар ва бошқалар), оригинал (нутқ, мусиқа, видеофильмлардан парчалар, телекадрлар, анимация ва бошқалар) турларини бир дастурий маҳсулотда интеграциялайди. Бундай интеграция ахборотни рўйхатдан ўтказиш ва акс эттиришнинг турли қурилмалари: микрофон, аудио-тизимлар, оптик компакт-дисклар, телевизор, видеомагнитофон, видеокамера, электрон мусиқий асбоблардан фойдаланилган ҳолда компьютер бошқарувида бажарилади;

Муайян вақтдаги иш, ўз табиатига кўра статик бўлган матн ва графикадан фарқли равишда, аудио ва видеосигналлар фақат вақтнинг маълум оралиғида кўриб чиқилади. Видео ва аудио ахборотларни компьютерда қайта ишлаш ва акс эттириш учун марказий процессор тез ҳаракатчанлиги, маълумотларни узатиш шинасининг ўтказиш қобилияти, оператив (тезкор) ва видео-хотира, катта сиғимли ташқи хотира (оммавий хотира), ҳажм ва компьютер кириш-чиқиш каналлари бўйича алмашуви

тезлигини тахминан икки баравар оширилиши талаб этилади; "инсон-компьютер" интерактив мулоқотининг янги даражаси, бунда мулоқот жараёнида фойдаланувчи анча кенг ва ҳар томонлама ахборотларни оладики,

мазкур ҳолат таълим, ишлаш ёки дам олиш шароитларини яхшилашга имкон беради.

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларга таълим бериш ва кадрларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидандир. Мультимедиа- бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, мант, графика ва анимация (объектларининг фазодаги ҳаракати) эффектлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамланган ҳолдаги кўринишидир.

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитиш қуйидаги афзалликларга эга:

А) берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имконияти бор;

Б) таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи янада ортади;

В) таълим олиш вақтининг қисқариш натижасида, вақтни тежаш, имкониятига эришиш;

Г) олинган билимлар киши хотирасида узоқ муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имкониятига эришилади. Замонавий компьютер технологияларидан ўқувчиларга таълим бериш ва қайта тайёрлаш жараёнида кенг фойдаланиш, келажакда етук ва юқори малакали мутахассисларни камол топтиради.

Дистант услуги асосида ўқувчиларни ўқитиш ҳозирги куннинг энг ривожланиб бораётган йўналишларидан бўлиб, ўқитувчи билан ўқувчилар маълум бир масофада жойлашган ҳолда таълим бериш тизимидир.

Дистант услуги асосида ўқитиш қуйидаги технологияларни ўз ичига олади:

Интерактив технологиялар:

- аудиоконференциялар (audioconferencing);
- видеоконференциялар (videoconferencing);
- иш столидаги видеоконференциялар (desktop videoconferencing);
- электрон конференциялар (e-mail, on-line servikes);
- овоз коммуникациялари (voice mail);
- икки томонлама спутник алоқа;
- виртуал борлиқ (virtual reality);

Ноинтерактив технологиялар:

- босиб чиқарилган материаллар;
- аудиокассеталар;
- видеокассеталар;
- бир томонлама спутник алоқа;
- телевизион ва радио кўрсатувлари;
- дискета ва CD- ROMлар.

Дистант услубининг қуйидаги афзалликлари мавжуддир:

А) ўқитишнинг ижодий муҳити. Мавжуд кўпгина услублар асосида ўқитувчи илм толибини ўқитади, ўқувчи эса фақат берилган материални ўқийди.

Б) мустақил таълим олишнинг имконияти борлиги. Дистант услуги асосида таълим бериш- бошланғич, ўрта, университет, малака ошириш босқичларини ўз ичига олади.

В) иш жойидаги ката ўзгаришлар. Дистант услуги асосида таълим бериш тури миллионлаб инсонларга, ҳаммадан ҳам ишлаб чиқаришдан ажралмасдан таълим олаётганлар учун, қулай шароит яратиб беради.

Г) ўқитиш ва таълим олишнинг янги ва унумли воситаси. Статистик маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, дистант услуги асосида таълим бериш,

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш каби унумлидир. Ҳозирги кунда тўғридан-тўғри ИНТЕРНЕТ тармоғига кириш хизмати дистант услуги асосида таълим бериш учун электрон почталар, компьютер конференциялари ва маълумотларнинг электрон базасида фойдаланилади. Ахборотлашган тезкор каналнинг ривожланиши янги гипермедиа тизимини бериб, у ўз ичида ИНТЕРНЕТ тармоғига киришнинг учта асосий хизматини мужассамлаштиради ва фойдаланувчининг интерфейсини (мулоқоти) янада такомиллаштиришга ёрдам беради. Малтикаст технологияларининг, конференция воситаларининг ва мультимедиа компьютерларининг мавжудлиги ИНТЕРНЕТ тармоғи орқали видеоконференцияларни йўлга қўйишга имконият беради. Шундай қилиб, бундай гигант ахборотлашган тармоқ ўқувчиларнинг дистант услуги асосида замонавий билим олишлари учун вақти ёки қаерда турганлигига қарамасдан кенг шароит яратиб беради.

Видео ва аудио ахбороти билан ишлашнинг зарурияти маълумотларининг катта ҳажми ва уларни узатишнинг юқори тезлиги билан боғлиқ кўплаб муаммоларни юзага келтирди. Бу, аудио-видео ахборотнинг технологияларини ривожлантириш ва катта сифимдаги жамғарувчиларнинг янги намуналарини яратишнинг бошланиши бўлади.

Мультимедиа учун замонавий CD-ROM технологиялар тақдимномаси илк марта 1991 - йили Сиэтлдаги конференцияда (Second Microsoft CD-ROM Conference) бўлиб ўтди ва бу сана видео ва аудиоахборотли тўлақонли мультимедианинг пайдо бўлишининг бошланиши деб ҳисобланади.

Мультимедиа таркиб топишининг бундан кейинги қадами CD-I технологияси (Compact Disk Interactive- интерактив видеодисклар) бўлади, улар компьютер ёрдамида лазерли видео- мурватни бошқариш йўли билан компакт дискдан ахборотни ихтиёрий танлашни ташкил этишга имкон беради.

видеотизимнинг асоси бўлган ихтисослашган микропроцессор туркуми. Охирги пайтларда булардан ҳам замонавийлари бозорда таклиф қилинмоқда;

драйверлар (Video Driver, Audio Driver ва VRAM Driver ва CD-ROM Driver) ва алоҳида кичик тизимлар даражасидаги дастурий интерфейс:

галма-гал пайдо бўлувчи аудио ва видео ахборот сақловчи, маълумотларни CD-ROM жамғарувчисидан фойдаланилганда тезлиги бир текислигини таъминловчи махсус шаклли файллар;

субъектив қабул қилишга йўналтирилган ва баъзи йўқотиш ёки бузиб кўрсатишларга йўл қўювчи ахборотнинг турли намуналарини тиклаш алгоритмлари.

МУЛЬТИМЕДИА ТИЗИМЛАРИНИ ТЕХНИК ТАЪМИНОТИ

Multimedia Personal Computer (MPC) - стандарти

Компьютерларда графикли ва овозли файлларни сақлаш учун CD-ROM дисководларининг қўлланилиши компьютер тизими унумдорлигига нисбатан маълум талабларни кўндаланг қилиб қўйди. CD-ROM дисководида аудио ахборотни ёзиш ва уни аудиоадаптер орқали киритиш ҳам чиқариш- бу мультимедиа (MPC) учун мўлжалланган шахсий компьютерга эга бўлиши керак бўлган иккита мажбурий шартдир.

CD-ROM ахборот тўплагичи

Грампластинкаларга альтернатив сифатида яратилган оптик компакт дисклар (CD ROM -compact disk read) бу турдаги ахборот ташувчиларни қўллашнинг янги имкониятларини очиб берди. Ҳозирда компакт диск проигривателлар маиший ва саноат аппаратураларида аудио эшиттиришда кенг қўлланилади.

Эндиликда CD-ROM тўплагичлар шахсий компьютерда ўз ўрнига эга.

Компакт диск-бу ахборот сақлашда қўлланиладиган ШК ҳажми учун стандарт пластик диск. Ахборотлар рақамли код билан кодланади ва

дискнинг орқа томонига кўз илғамас кўринишда жойлаштирилади. Бунда диск юзаси билан механик контакт алоқа йўқ. Унинг ишлаш муддати катта, бошқа ахборот сақлаш воситасига қараганда эса нотўғри ишлаш ҳоллари кам.

Қўлланиладиган соҳалар:

Ҳозирда компакт дискларда бир қанча турдаги амалий дастурлар мавжуд. Уларнинг ичида илмий ахборот ва журнал мақолалари, кўп жилдли техник баёнлар, молявий ҳисоботлар тўпланган маълумотлар базасини топиш мумкин. Ташувчи машиналардаги ҳужжатларга энди тайёр расмлар, мантлар, аудиоёзувлар, видеофрагментларни киритиш анча осон. Мультимедиа қомуслар, электрон хариталар ва ўргатувчи тизимлардан фойдаланиш мумкин. CD-ROM тўплагичларнинг ягона камчилиги- бу қаттиқ дискларга нисбатан секин ҳаракатланишидир. CD-ROM тўплагич турли интерфейсларга эга бўлиши мумкин.

Интерактив компакт диск

CD-I технологияси бўйича интерактив мультимедиа ахборотини ташувчилар- бу ҳозирги вақтдаги аудио ва видео-қурилмалардир. Улар мантли ва график ахборотни ишлаб чиқиш имкониятини кенгайтиради. Бу ҳолатда мазкур турдаги ахборотга мўлжалланган компьютер дастурларидан кенг фойдаланиш назарда тутилади.

CD-I техник нуқтаи назардан CD-ROM технологиясига асосланган, аммо истеъмол маҳсулоти нуқтаи назаридан у CD-DA технологиясидан фойдаланади.

CD-I технологияси қуйидаги имкониятларга эга:

мультимедиа - иловани битта интерактив дискда фойдаланиш. У турли хил воситалар билан таъминланган;

компакт дискларнинг мавжуд ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш;

дискли тизимларнинг мос келиши.

CD-I технологияси бўйича тайёрланган компакт дисклар қуйдаги соҳаларда қўлланилади:

таълим ва тайёрлов (масофадан туриб ўқитиш ва маълумотнома, альбом ва

китоблар ёрдамида мустақил ўқиш);

дам олиш: мусиқа плюс (мусиқа-мантлар, нота, расмлар билан бирга) ҳаракатланувчи ўйинлар, ўйин давомида ўргатиш;

дам олишни ташкил этиш (чизиш ва расм солиш, фильмлар яратиш, шеърлар ёзиш);

саёҳат (хариталар, навигация учун қурилма, сайёҳлик ҳақида ахборот, диагностика ва ҳоказо).

Тезкор тўплагичли CD-ROM

CD-ROM тўплагичларини ишлаб чиқувчи мутахассислар нафақат маълумотларни узатиш тезлигини оширишга, шунингдек, киришга кетадиган вақтни қисқартиришга ҳам катта эътибор бермоқда.

Виртуал компакт дискни тайёрлаш- бу қаттиқ дискда компакт диск шарҳини яратишдир. Шахсий компакт дискни яратиш учун маълумотларни шундай ташкил қилиш, қайта тузиш ва қайта индексациялаш керакки, натижада қаттиқ дискда структуралаштирилган маълумотларга мос келсин. Шундан сўнг танланган ҳажмда ёзиш учун файлларни қайта номлаш ва индексациялаш керак бўлади. Маълумотларни тайёрлаган ва оптималлаштиргач, қаттиқ дискда шарҳи ёки виртуал компакт диск олинади. Охирида барча керакли текширувлар ўтказилади ва диск шарҳини яратиш жараёни бошланади.

Ёзиладиган компакт дисклар. Бир неча йил аввал битта компакт дискни ёзиш учун бир хона тўла аппаратура, икки нафар малакали мутахассис ва кўп иш соати талаб қилинар эди. Бугун эса CD-R ёзиш тўплагичга эса Macintosh компьютери ёрдамида битта дискни бир соатта ёзиш мумкин.

МУЛЬТИМЕДИА ВОСИТАЛАРИНИНГ ҚЎЛЛАНИШ СОҲАЛАРИ

Талим ва ўқитиш соҳаларида мультимедианинг қўлланиши (Computer Based Training -CBT) шахсий фойдаланиш ҳамда бизнес ишларини йўлга қўйиш учун мўлжалланган. Мультимедиани ушбу соҳаларда қўллаш кўлами кундан-кунга янада ортиб бормоқда. Чунки юқори касбий малакани таъминловчи билим ҳар доим тез ўзгариб туради. Бугунги ўсиш даражаси, айниқса, техника соҳасида доимий янгиланишни талаб қилади. Шу боис рақобатга асосланган корхона ўз фаолиятида анча мосланувчан бўлиши лозим. Бу оддий ходимлар учун ҳам, раҳбарлар учун ҳам бирдай ҳаққоний йўл. Компьютерлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш учун маълум тизим керак, лекин бундай тизимни ишлаб чиқариш учун бунга ихтисослашган фирмага буюртма бериш керак. Шу кунга қадар компьютерлар ёрдамида ўргатиш ходимни ўқитиш ва малакасини ошириш учун нисбатан ишлаб чиқариш соҳасида кўпроқ қўлланилар эди. Opel фирмаси ходимлари жамоа бўлиб ўқитишнинг янги усулини илгари сурмоқдалар. IBM фирмаси ҳам локал тармоқлар ишини намойиш қилиш учун компьютерлардан фойдаланилган ҳолда ўқитиш усулини қўлламоқда. 70-йилларда ўқитиш учун илк бор компьютерлардан фойдаланиш анча самарасиз бўлди. Чунки ўша пайтлардаги техникавий ва дастурий воситаларни ишлаб чиқариш сифати унча юқори бўлмаган. Бундан ташқари, дастурлар етарли даражада мосланувчан эмас эди. Бугунги кунда эса ўқитиш дастурлари шундай тузилганки, фойдаланувчи ўқитишнинг турли вариантларидан фойдаланиши мумкин. Яъни, у ўқув материални ўзлаштириш давомида ўқитиш тезлигини, материал ҳажмини ва унинг мураккаблик даражасини ўзи белгилайди. Кўпгина тадқиқотлар компьютерлардан фойдаланган ҳолда ўқитиш тизимининг муваффақиятларини эътироф этмоқда. Эски анъанавий таълим усуллари билан объектив таққослаш жуда қийин, аммо, мультимедиа базасида ўзгарувчи интерактив дастур билан ишлашга эътибор икки баравар кучайди. Аниқ бир материални ўрганиш учун вақтни

тежаш анъанавий таълим усулларига нисбатан ўртача 40% ни ташкил қиляпти, ўзлаштирилган билим эса хотирада анча узоқ сақланади. Маркетинг бўйича экспертлар аллақачон (ўқиш тизимида мультимедиа иловаси пайдо бўлмасдан аввал) кўп мартали тажрибаларида ўқиш услуги билан ўзгартирилган материални хотирада тиклаш (эслаш) ўртасида кучли алоқа борлигини исботлашган. Масалан, эшитган материалнинг фақат тўртдан бир қисмигина хотирада қолади. Агар ўқувчи ушбу материални кўриш орқали ўзлаштириш имконига эга бўлса, хотирада қолган материал ҳажми ўттиз фоизга кўпаяди. Мабодо, ҳам кўриш, ҳам эшитиш орқали материал ўзлаштирилса унинг 50 фоизи хотирада қолар экан, агар ўқувчи ўрганиш жараёнида фаол ҳаракат қилишга жалб этилса, масалан, мультимедиа иловаси каби нтерактив ўқитиш дастури ёрдамидан фойдаланилса, ўзлаштириш ҳажми 75% ни ташкил қилади. Биз бу ерда ҳатто тахминий рақамли маълумотларни келтириш қийинлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз, чунки турли тадқиқотларда бу борада турли натижалар келтирилади. Тажриба натижаларининг ҳар хил бўлиши тажриба хулосаларини нотўғри чиқаришдагина эмас, балки турли параметрларга ҳам боғлиқ. Яъни, ўзлаштириш, эслаб қолиш қобилияти бир хил бўлган кишилардан иборат иккита гуруҳни топиш мумкин эмас. Шу боис бу мавзуда бундан буён келтириладиган маълумотлар ўртача нисбатда олинганлигига эътибор беринг. Ўз ходимларининг малакасини ошириш учун ҳар йили ўқишга маълум бир молиявий маблағ ажратувчи йирик фирмаларнинг юқорида айтилган омилларни ҳисобга олган ҳолда анча йирик мағлабни иқтисод қилишлари мумкин. Масалан, DEC фирмаси ўқитиш ва қайта ўқитишдаги харажатларни компьютер технологиясидан фойдаланган ҳолда 40 млн. долларга иқтисод қилди. Билим олишдаги бундай усулга қуйидагилар сабабчи:

ўрганилаётган материални чуқурроқ ва яхшироқ тушуниш;

ўқувчини янги илм соҳаси билан алоқага киришига ишонтириш;

ўқитиш вақтини сезиларли даражада қисқартириш ҳисобига вақтни тежаш;

ўзлаштирилган билим хотирада узоқ вақт қолади ва амалиётда қўллаш лозим бўлганда қисқача такрорланса тезда эсга келади.

Мультимедиа бозори билан шуғулланувчи Швейцариянинг Prognos институтининг тадқиқотларига кўра, яқин келажакда корхоналарда мультимедиаалар жуда кенг қўлланила бошланади. Тўғри, аппарат воситаларининг нархи тушиб бормоқда, лекин ҳисоблаш техникаси тизими (ҲТТ)дан фойдаланиб, ўқитиш тизимини жорий этиш харажатлари анча ўсиб бормоқда. Битта ўқув дастурининг бир соатлик ўқув вақтини яратишга, одатда, дастурловчининг 200-250 иш соати кетади. Дастурларни яратиш учун асбоб-ускуна воситаларининг сифати яхшилангани ва имконияти кенгайтирилганига қарамай, ўқув дастурини яратиш харажатлари кўпайиб бормоқда. Чунки дастур интерфейсига нисбатан талаблар кучаймоқда, шунингдек, мультимедианинг янги ва янги элементларини дастурларга киритишга тўғри келяпти. Албатта, муваффақиятга эришиш маълум маънода қўйилган мақсадга ҳам боғлиқ. Агар биз амалий фаолият усулларини янгилашдан келиб чиқадиган бўлсак, мультимедианинг интерактив дастуридан фойдаланган ҳолда ўқитиш услубини келажакда катта зафарлар кутмоқда. Яна бир камчилик шундан иборатки, ҳисоблаш техникаси тизимидан фойдаланиб ўқитиш тизимини яратишга бўлган буюртма учинчи томоннинг ахборот ва ишлаб чиқариш сирларини очиш билан боғлиқ. Бунда шуни унутмаслик керакки, бундай мультимедиа иловалари истеъмол бозорида манфаат предмети бўлиб қолади ва бу манфаат зарур қурилмалар нархининг доимий тушиши билан боғлиқ. Lotus фирмасида, масалан, мультимедиа элементларига эга бўлган ўқитиш дастури жойлаштирилган компакт дисклар мавжуд.

Мультимедианинг амалий дастурлари

Мультимедиа- тизимлар ҳозирги пайтда таълим ва касбга тайёрлаш

соҳасида, нашриёт фаолиятида (электрон китоблар), бизнесни компьютерлаштириш учун (реклама, мижозларга хизмат кўрсатиш), ахборот марказларида (кутубхона, музей) ва ҳоказоларда муваффақиятли қўлланилмоқда.

Билимларни чуқирлаштиришда, ўқитиш муддатини қисқартиришда ва бир ўқитувчига тингловчилар сонини оширишга имкон берувчи компьютерли дарс берувчи мультимедиа тизимлар алоҳида ўрин эгаллайди. Компьютерли дарс бериш тизимлари ахборот изчил равишда тақдим этиладиган видеокассетадаги курсларга қиёслаганда кучли тармоқ имкониятларига эга ва тингловчиларни қизиқтирган мавзуга тўғридан-тўғри уланишга имкон беради. Бундан ташқари, мазкур тизимлар билимларни ўзлаштириш ва кўникмаларга эга бўлиш жараёнларини баҳолаш ва назорат қилишнинг самарали воситалари билан жиҳозланган.

Электрон китоблар

CD-ROM русумидаги катта ҳажмли унча қиммат бўлмаган хотира-қурилмаларнинг мавжудлиги туфайли электрон китобларнинг пайдо бўлиши мумкин бўлди. **Электрон китоб** атамаси саҳифалари дисплей экранда тасвирланадиган янги русумдаги китобни англатади. Бошқача айтганда, бу ахборот интерактив тизими фойдаланувчи (ўқувчи) учун саҳифама-саҳифа ташкил этилган ахборотга киришни таъминлайди.

Электрон китоб саҳифаларидаги ахборот уч хил бўлиши мумкин: эстетик (китобнинг "ёқимли" кўринишини белгиловчи ва унинг ўқувчига таъсирини кучайтирувчи), ахборот (китоб мазмунини очиқ боровчи) ва назорат (пиктограмма, икона, диалогли дарчалар, динамик меню ва ҳоказолар кўринишида тақдим этилган материал).

Электрон китобларни тўрт синфга: **қомусий, ахборот, ўқитувчи ва имтиҳон** олувчиларга бўлиш мумкин. Электрон китобларнинг биринчи хили муаяйн мавзу бўйича улкан ҳажмдаги ахборотни ўзида сақлайди. Crolier Encyclopedia, Comptons Multi media Encyclopedia, Mikrosoft Bookshelf ва

бошқа шу каби машхур махсулотлар мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Электрон китобнинг иккинчи хили биринчисига ўхшамайди, бироқ бу китобларда сақланувчи ахборот унчалик кенг эмас ва мақсадга йўналтирилган хусусиятга эга. Масалан, Oxford Textbook of Medicine on Compact Disk, Elsevier, s Active Library on Corrosion ва бошқалар. Учинчи хил электрон китоблар амалиётда кўп тарқалган ва таълим жараёнида, болалар боғчаларида (масалан, Broderburd, s Living Book) ҳамда ўқишдан кейинги малака ошириш курсларида фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, мазкур китоблар бадиий асарларни ўзида сақлаши мумкин (масалан, Herman Melville, s Moby Dick, Gustave Flaubert, s Madame Bovary, Michael Crichton, s Jurassic Park, Adam Hitchhiker ,s Guide to Galaxy). Тўртинчи хил китобларда уч муҳим компонент: масалалар (вазифалар) банки, тестлаш ва жавоблар модули, таҳлил ва баҳолаш учун ўқувчи жавобларидан фойдаланувчи эксперт тизими мавжуд.

Юқорида келтирилган электрон китоблар таснифи ягона эмас. Масалан, электрон китобларда сақланувчи ахборот тури: матнли китоблар, статик расмлар, берилган китоблар, ҳаракатланувчи расмли китоблар, "гапирадиган" китоблар, мультимедиа- китоблар, гипермедиа- китоблар, телемедиа- китоблар ва кибернетик китобларга кўра тасниф қилиш таклиф этилган эди. Афтидан, фақат келтирилган тушунчалардан айримларигина қўшимча шарҳлашга муҳтож.

Мультимедиа- китоблар битта ташувчида (CD-ROM ёки магнит дискда) ёзилган ва бир чизиқда (тўғри) ташкил қилинган, яъни зарур ахборот изчил равишда акс этирилган матн аудио, статик тасвир ва видеодан фойдаланилади.

Полимедиа- китобларда, аввалгилардан фарқли равишда ўқувчи ахборотни тақдим этиш учун бир неча турли ташувчилар (CD-ROM, магнитли диск, қоғоз ва бошқалар) комбинациясидан фойдаланилади.

Гипермедиа- китоблар, мультимедиа китоблар билан кўп

умумийликка эга бўлса-да, ўзидаги ахборотнинг нотекис ташкил этилиши билан фарқланади, масалан, ўқувчи "сичқон" ёрдамида асосий материални бир четга қўйиб, контекст ва фойдаланилаётган усул бўйича атама ва тушунчалар тизимига тузатишлар, шарҳлар сўраши мумкин.

Интеллектуал- китоблар маъноси жиҳатидан илгари киритилган имтиҳон олувчи китобларга яқин ва ўқувчи қобиятларига у билан мулоқот жараёнида жадал мослашиши мумкин. Сўнгги икки китобнинг истиқболи ҳам қизиқлиги шубҳасиздир.

Телемедиа-китоблар масофадан туриб ўқитадиган тақсимловчи интерактив тизимни қўллаб-қувватлаш учун телекоммуникация имкониятларидан фойдаланади.

Кибернетик-китоблар ҳам математик моделлаш воситаларини ўзида сақлайди ва шу боис баён этилган ҳодисалар ва объектларни ҳар томонлама ўрганиш ҳамда тадқиқ этиш имкониятини ўқувчига тақдим этади.

Хорижий тилларни ўрганиш учун тизимлар

Бундай катта миқдордаги амалий мультимедиа- тизимлар орасида Learning English in Multimedia ўқитувчи тизимини ажратиб кўрсатиши мумкин. У бошловчилар учун инглиз тилини ўқитиш мақсадларига мўлжалланган ҳамда IFAP/ IRI (Италия) фирмаси томонидан ишлаб чиқилган. Курс модул принципи бўйича қурилган, ҳар бир модул у ёки бу ҳаётий вазиятга мувофиқ келади. Кўриб чиқилаётган ҳолатлар ва уларга мувофиқ келувчи ҳатти-ҳаракатлар учун тегишли сўз, тушунча, жумла ва гаплар киритилади. Шундай қилиб, тингловчилар ўз луғат бойлигини тўлдиради, грамматика ва синтаксис қоидаларини ўрганади.

Компьютер дастури ёрдамида ўқитиш, оғзаки нутқни тинглаш ва талаффузни назорат этиш учун видеокассета ва аудиокассетадан, шунингдек, грамматика қоидалари берилган икки ўқув қўлланмасидан фойдаланилган ҳолда тўлдирилади. Ўз-ўзини назорат қилишнинг бундай усули ўқитиш жараёни самарадорлигини оширади.

Фан ва замонавий технологияни ўрганиш учун тизимлар

Бу катта синфдаги амалий мультимедиа- тизимларига қуйидаги мисолларни (оддийдан мураккабга қараб) келтириш мумкин. **Steekvervoer ўқитиш тизими** Bureau Interactive Training нидерланд фирмаси томонидан тайёрланган. Жамоат минтақавий нақлиёт бошқармаси буюртмасига биноан энг қисқа муддатда ҳамда wt минг автобус ва трамвай ҳайдовчиларини Combofoon радиотелефон тизимидан фойдаланишга ўргатиш мақсадида амалга оширилган. “Ўргатувчи бекат” экрани сезгир компьютердан, CDTV овоз чиқаргичдан (проигрователь) ва унга уланган радио-телефонлардан ташкил топган. CDTV ёрдамида аниқ вазиятлар (масалан йўл- нақлиёт ҳодисалари) моделлашади ва тескари алоқа бўйича таълим олувчининг ҳатти-ҳаракатлари шарқловчи овози билан назорат қилинади.

Бошқа радиотелефон тизимига ўтиш имкониятини таъминлаш учун фирма видеодастур интерфейс платалари ва техник ҳужжатларини ишлаб чиқди. Сингапурнинг Ngee Ann политехника институти томонидан ишлаб чиқилган COMAPP ўқитиш дастури ўқувчиларга ҳисоблаш техникаси асосларини, яъни компьютер ишлаши принциплари ва уни қўллашни ўргатишга мўлжалланган. У Authorware Professional муаллифлик тизими ёрдамида курилган ва турли ўқув мавзуларига тегишли модул тизилмага эга. Унинг бош менюсида қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- компьютер ўзи нима ?;
- рақамли компьютерлар тарихи;
- компьютерлар таснифи;
- ахборотни тақдим этиш;
- микрочизмаларни ишлаб чиқиш;
- компьютер қандай ишлайди?;
- микроспроцессорлар;

дастурдан чиқиш;

муқаддима;

Кўпгина концептуал қоидаларни яхши ўзлаштириш учун кўп жой оладиган сўз баёнлари ўрнига анимация ёрдамида очиб берилади. Дастур CD-ROM да ёзилган ва ўн мингдан зиёд ўқувчи ўқийдиган ушбу институтда кенг фойдаланилади. Thermodynamics ўқитиш дастури ҳам ушбу институтда ишлаб чиқилган бўлиб, бир цилиндрли, двигателни тайёрлаш бўйича лаборатория ишларини бажариш, ёнилғи сарфини ўлчовчи датчик ва ўлчов қалқони ёрдамида зарур ўлчовлар туркумини бажариш, двигатель самарадорлигини белгилаш каби жараёнларга тўлиқ таҳлил қилинади. Масалан, двигателни ишга тушириш жараёнини ўрганишда тингловчиларга видеокассеталар ёрдамида экранда оператор зарур ҳатти-ҳаракатларининг изчиллиги ва оқибатлари кўрсатилади:

ёқилғи узатиш кранининг очилиши;

стартер бош тугмасининг босилиши;

динамометр тугмасининг босилиши;

валнинг дақиқасига 220 марта айланиши тезлигининг ўрнатилиши;

энг қуйи юкланишнинг ўргатилиши ва ҳоказолар.

Бундай русумдаги тринажерларнинг очиқ-ойдин афзаллиги шундаки, операторнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари фалокат ва қурилмалар шикастланишига олиб келмайди.

Мультимедиа технологиясининг таълим тизимидаги ўрни

Технология деганда субъект томонидан объектга кўрсатилган таъсир натижаларида субъектда сифат ўзгаришига олиб келувчи жараён тушунилади. Педагогик технология ижтимоий зарурият бўлгандагидан даставвал АҚШ да 80-йилларда юзага келиб бошқа ривожланган мамлакатларга тез тарқалиб кетди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олимлари хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва илмий-маърифий алоқалар ўрната

бошладилар. Натижада юртимизга илғор ва самарали технологиялар кириб кела бошлади. Шулар қатори жаҳондаги прогрессив педагогик технология деган тушунчалар ҳам кириб, педагогик жамоатчилигимиз фикрини чулғаб олди. Охирги йилларда Россия билан Ўзбекистонда педагогик технологияни ўрганиш йўлида анча ишлар қилинди. Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДХга кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган Россиялик олим В.П.Беспальконинг фикрича, ”Педагогик технология-бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик мувафақияётни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсни шакллантириш жараёни лойиҳасидир”.

М.В.Кларин фикрича, “Педагогик технология – ўқув жараёнига технологик ёндошган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойиҳалашдир”.

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л.Фарберман қуйидагича таъриф беради: «Педагогик технология таълим жараёнига янгича ёндошув бўлиб педагогикада ижтимоий–муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолига солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир». БМТнинг нуфузли идораларидан ЮНЕСКО нинг таърифи бўйича, “Педагогик технология- бу билим бериш ва уни эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллашда мажмуали ёндошув усулидан фойдаланишдир”. Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган хусусиятларидан ва мажмуалар назариясининг қонуниятларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги кенгайтирилган таърифни берамиз: “Педагогик технология –бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқиб, унга олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажмуа

сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган педагогнинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир”.

Мультимедиа – бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация (объектларнинг фазодаги ҳаракати) эффектлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг ҳолдаги кўринишидир.

1.2. Таълим жараёнида компьютер ва техник воситалардан фойдаланиш

Таълим жараёнида компьютердан фойдаланиш учун таълим берувчи уни ишга тушириш, ундан фойдаланиш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бир қатор операцияларни бажариши талаб қилинади. Биринчи навбатда компьютернинг умумий кўринишини келтириб ўтамиз. Компьютернинг асосий ва қўшимча қурилмалари умумий тузилишини 1-расмда кўриш мумкин:




1-расм.

1. Монитор.
2. Тизимли блок.
3. Клавиатура.
4. Сичқонча.

Компьютерни ишга тушириш ва уни керакли қисмлар билан боғлаш учун қатор тартибли операцияларни амалга ошириш лозим бўлади. Фойдаланиш учун олиб келинган ва бир жойдан иккинчи жойга қўчирилган компьютерни ишга туширишда унинг асосий ва қўшимча қурилмаларини улашни тўғри амалга ошириш талаб этилади. Компьютер ишлашига хизмат қилувчи қисмларни нотўғри улаш ундан фойдаланиш имкониятини чеклайди. Фойдаланувчи компьютерни ишга туширишда тизимли блокка монитор, клавиатура ва сичқончани тўғри улаши

талаб қилинади.

Процессорни компьютернинг бошқа қисмлари билан улаш учун лозим асосий тармоқлар (2-расм) куйидагича:



2-расм.

Клавиатурани улаш тартибини навбатдаги 3-расм орқали тўлароқ тасаввур қилиш мумкин. Тизимли блокда клавиатура учун ажратилган махсус порт бўлиб, компьютерларнинг маркасига қараб уларнинг улаш тизими ва сичқончалар ҳам фарқ қилади. Манба токи розетки Клавиатурани улаш



USB қурилмасини улаш

Принтерни улаш

VGA видеони улаш

Товуш чиқиш жойи


Товуш кириш жойи


Микрофон жойи

Жойстик улаш

3-расм.

4-расм.





DVD-ROM

Қурилмасы

3,5 дюмли

дискета

қурилмасы

ШК ни ёқиш-

ўчириш тугмаси

5-расм. Тизимли блок олд қисми.

Монитор билан тизимли блок ва қолган қурилмалар уланганидан сўнг компьютерни ишлатиш учун *электр токи манбаи билан боғланиши* лозим.

Компьютерни манба билан улаш қуйидаги тартибда амалга оширилади (4-расм). Шунингдек, компьютерда ишлаш жараёнида унга бошқа техника воситаларини ҳам улашга зарурат туғилади. Чунки ахборотлар қабул қилиб олиш учун модемлар, овозли тарзда ахборотларни киритишда микрофон, компьютердаги маълумотларни овозли тарзда ифодалашда карнайчалар, компьютердаги маълумотларни текст шаклида қоғозда чоп қилиш учун принтер, маълумотларни экранга узатишда видеоглаз ва видеопроектор, телевизордаги ахборотларни компьютерда акс эттириш учун видеомагнитофон ва видеоаппарат, баъзи расм ва ҳужжатларни киритишда сканер, расмларни компьютерга жойлаш учун эса рақамли фотоаппарат ва рақамли видеокамераларни улашга тўғри келади.

II БОБ. МЕДИАТАЪЛИМ ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИАТИ СИФАТИДА

2.1.Электрон ўқув-методик мажмуасини яратиш технологияси

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини амалга ошириш ҳамда ёш авлодни юқори савияда тарбиялашни таъминлаш мақсадида миллий кадриятлар сингдирилган фанлар бўйича электрон ўқув-услубий мажмуалар яратиш давлат аҳамиятига эга бўлган масалалар қаторига қиради. Бугунги кунда илм-фан жадал тараққий этаётган, замонавий ахборот-коммуникация воситалари кенг жорий этилган жамиятда барча фан соҳаларида билимларнинг тез янгилашиб бориши, таълим олувчилар олдида уларни тез ва сифатли эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билимларни эгаллаш вазифасини қўймоқда. Шунинг учун миллий истиқлол ғоясига содиқ, етарли интеллектуал салоҳиятга эга,

илм-фаннинг замонавий ютуқлари асосида мустақил фикр ва мушоҳада юрита оладиган шахсларни тарбиялаш ҳамда рақобатбардош, юқори малакали кадрларни тайёрлаш масаласи электрон ўқув-услугий мажмуаларининг янги авлодини яратишни талаб қилмоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига мос келадиган ҳамда Давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилган «Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётлари янги авлодини яратиш концепцияси»нинг асосий вазифаларидан бири сифатида электрон ўқув-услугий мажмуаларининг яратиш учун илмий-ғоявий, психологик-педагогик ва методик талабларни ишлаб чиқиш, электрон ўқув-методик мажмуаларидан тўғри ва рационал фойдаланиш мақсадида уларнинг мавжуд шакллари ва турларига аниқ таърифлар бериш ҳамда мамлакат миқёсида замонавий электрон ўқув-методик мажмуаларни тайёрлаш бўйича стратегик масалалар кўламини аниқлаш белгиланган.

Фаннинг электрон ўқув-методик мажмуаси (кейинги ўринларда ЭЎММ) деганда, Давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган талаблар асосида ўқувчилар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни компетентлик даражасида ривожлантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, ўқувчининг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган электрон кўринишдаги ўқув-методик манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, мезонларини ўз ичига олади.

ЭЎММ анъанавий ўқув нашрларига қўйилган дидактик талабларга жавоб бериши керак. Қуйида ЭЎММга бўлган анъанавий дидактик талаблар келтирилган:

1. Таълимда илмийлик, фан-техника ва технологиялар сўнги ютуқларининг ҳисобга олиниши. ЭЎММ мазмунининг чуқурлиги ва ишончлилигини таъминлайди. Ўқув материалларини ЭЎММ ёрдамида ўзлаштириш жараёни

ўқитишнинг замонавий усуллари асосида амалга оширилади. Масалан тажриба, эксперимент, таққослаш, кузатиш, абстрактлаш, умумлаштириш, яхлитлаштириш, ўхшашлик, таҳлил ва синтез, моделлаштириш методи, шу билан бирга математик моделлаштириш, шунингдек, тизимли таҳлил методлари.

2. Ўқитишнинг эришувчанлик талаблари – ЭЎММда амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг ёши ҳамда индивидуал хусусиятларига хос ўқув материални ўрганишнинг мураккаблик ва чуқурлик даражасини аниқлаш заруратини билдиради. Ўқув материални ҳаддан зиёд мураккаблаштириш ва ортиқча юклаш мумкин эмас, акс ҳолда таълим олувчи бу материални эгаллашга ожизлик қилади.

3. Ўқитишнинг муаммолилигини таъминлаш талаблари – таълим олиш фаолиятининг тавсифи шартлаштирилган. Агар таълим олувчи муаммоли топшириқлар ва машқларни бажаришга ҳаракат қилса, унинг фикрлаш фаоллиги ортади. Ушбу дидактик талабнинг ЭЎММ ёрдамида бажарилиш даражаси, анъанавий дарсликлар ва қўлланмалардан кўра, сезиларли равишда юқори бўлади.

4. Ўқитишнинг кўрғазмалилигини таъминлаш талаблари – таълим олувчилар томонидан ўрганилаётган объектлар, уларнинг макетлари ёки моделларини сезгили қабул қилиш ва шахсан кузатишини ҳисобга олиш заруратини билдиради.

5. Ўқитишнинг онглилиги, таълим олувчининг мустақиллиги ва фаоллигини таъминлаш талаблари – ўқув фаолиятининг якуний мақсад ва вазифаларига эришишда ўқув ахборотини жалб қилиш бўйича таълим олувчиларнинг мустақил ишлашлари учун ЭЎММ билан таъминлашни кўзда тутди. Бунда таълим олувчи учун ўқув фаолияти йўналтирилган мақсад ва мазмунни англатади. Фанлар бўйича ЭЎММ тизимли фаолиятли ёндашув асосида ишлаб чиқиши керак.

6. ЭЎММдан фойдаланишда ўқитишнинг тизимлилиги ва кетма-кетлиги талаблари – ўрганиладиган фан соҳасидан билим ва кўникмаларнинг таълим олувчилар томонидан тизимли ўзлаштирилишини англатади. Билим, кўникма ва малака – таълим тизимида мантиқий тартибда шаклланиши ва амалда

қўлланилиши зарур. Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш зарурлиги аниқланди:

- ўқув материални тизимлаштирилган ва тартибда тавсия қилиш;
- ўқув материаллари юзасидан шаклландиган билим ва кўникмаларнинг ривожланиб боришига эришиш;
- ўрганилаётган ўқув материалнинг фанлараро боғлиқлигини таъминлаш;
- ўқув материал ва таълим берувчи таъсирларининг узатилиш кетма-кетлигини чуқур ўйлаб кўриш;
- билим бериш жараёнини мантиқий кетма-кетлик асосида қуриш;
- ЭЎММ тавсия қилган ахборотларни ўқитишнинг мазмуни ва услуби, таълим олувчининг шахсий қобилиятига боғлиқ ҳолда танланиш керак, масалан, мазмунли ўйин ҳолатларини яратиш, амалий тавсифдаги топшириқлар ва экспериментларни, ҳақиқий жараёнлар ва объектлар моделларини тавсия қилиш йўли билан амалий фаолиятга боғлашни таъминлаш.

7. ЭЎММдан фойдаланишда билимларни мустаҳкам ўзлаштиришга доир талаблар – ўқувчиларнинг ўқув материални мустаҳкам ўзлаштиришлари учун, уларнинг чуқур фикрлаш, хотирада сақлаш каби қобилиятларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

8. ЭЎММда ўқитишнинг ривожлантирувчи ва тарбиявий функциялари бажарилиши талаблари- таълим вазифасидаги анъанавий нашрларга қўйиладиган дидактик талаблардан ташқари, ЭЎММ яратиш ва жорий қилишда замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларнинг устунликларидан фойдаланиш каби қуйидаги ўзига хос дидактик талаблар қўйилади:

1. Мослашувчанлик талаблари – ЭЎММ таълим олувчи индивидуал имкониятларига, яъни ўқитиш жараёнида ўқув материаллари таълим олувчи билим ва кўникмалари ҳамда унинг психологик хусусиятларига мослаштирилган бўлиши керак. ЭЎММ мослашувчанлигининг учта даражаси мавжуд. Биринчи даража ўқувчиларнинг ўзларига қулай бўлган индивидуал темпга мос ҳолда ўқув

материалини ўрганиш имконияти ҳисобланади. Иккинчи даража - таълим олувчи ҳолатининг диагностик таҳлили бўлиб, унинг натижалари асосида таълим беришнинг мазмуни ва услублари таклиф этилади. Учинчи даража - очикча ёндошувга асосланади, унда фойдаланувчиларнинг гуруҳланиши кўзда тутилмайди ва муаллифлар таълим олувчиларнинг имкони борича барча контингенти учун кўпроқ вариантлар ишлаб чиқиши тавсия этилади.

2. Ўқитишнинг интерфаол талабларига ўқитиш жараёнида таълим олувчи билан ЭЎММнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш керак. ЭЎММ воситалари интерфаол мулоқот ва тескари алоқани таъминлаши керак. Мулоқотни ташкил этишнинг муҳим шарти бўлиб, фойдаланувчи ҳаракатига ЭЎММнинг реакцияси ҳисобланади. Назорат тескари алоқа асосида амалга оширилади ва кейинги бажариладиган ишлар юзасидан тавсиялар беради, маълумотнома ва тушунтирувчи ахборотлар киритиш амалга оширилади.

3. ЭЎММнинг ўқув ахборотини тақдим қилишида компьютер визуаллаштириш имкониятларини жорий қилиш талаблари. Замонавий электрон воситалар имкониятлари ўқув ахборотини намойиш қилиш сифатини таҳлил қилишни кўзда тутди.

4. ЭЎММ билан ишлашда таълим олувчининг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш талаблари. Фикрлаш, мураккаб вазиятларда мустақил қарорлар қабул қила олиш маҳорати, ахборотга ишлов бериш бўйича кўникмаларни шакллантиришни кўзда тутди.

5. ЭЎММ – ўқув материални намойиш қилишнинг тизимлилик ва функционал боғлиқлиги талабларига жавоб бериши керак.

6. ЭЎММ – таълим беришнинг тўлиқлиги ва узлуксизлигини таъминлаши лозим.

ЭЎММ макети унинг барча таркибий қисмларининг ихчамлаштирилган ва муайян тизимга солинган шаклидир. Макет ЭЎММнинг таркибий қисмларини визуаллаш ва ўзаро боғлашни амалга ошириш имконини беради. ЭЎММнинг макети расмий ҳужжат сифатида қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

меъерий ҳужжатлар компонентлари - титул варағи, келишув варағи, мавзувий режаси, фан дастури, фаннинг ишчи дастури;

мазмунни белгиловчи компонентлари - электрон ўқув қўлланма, лаборатория ва амалий (семинар) машғулоти мазмуни, мустақил ишлар мазмуни, электрон луғат;

методик компонентлари - ўқитувчига мўлжалланган методик компонент, ўқувчига мўлжалланган методик компонент;

баҳолаш компонентлари - баҳолаш мезонлари, жорий, оралиқ ва якуний назорат бўйича саволлар, курс иши мавзулари ва х.қ.

ЭЎММ компонентлари:

I. Дастурий компонент

Титул варағи

Фаннинг намунавий дастури

Фаннинг ишчи дастури

II. Фаннинг мазмунини белгиловчи компонент

Электрон ўқув қўлланма

Амалий (лаборатория) ишлар бўйича қўлланма

Семинар машғулоти бўйича қўлланма

Мустақил ишлар бўйича қўлланма

III. Методик компонент

Ўқитувчига мўлжалланган методик қўлланма

Ўқувчига мўлжалланган методик қўлланма

IV. Баҳолаш компоненти

Жорий назорат бўйича савол ва топшириқлар

Оралиқ баҳолаш бўйича савол ва топшириқлар

Якуний баҳолаш бўйича саволлар ва топшириқлар

Курс ишлари мавзулари

Рейтинг баҳолаш графиги

Тест саволлари банки

ЭЎММнинг қўшимча қисмлари электрон хрестоматия, электрон журналлар, Интернет сайтлар каби манбалардан иборат бўлади.

2.2. Медиатаълим ўқитишнинг мазмуни, усуллари ва ташкилий шакллари сифатида

Ахборот асрида фан-техника тараққиёти нақадар юксак босқичга чиқди. Шунга монанд барча соҳалар жадал ривожланмоқда. Бугун бирор соҳа фаолиятини ахборот-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиш қийин. Жумладан, ёш авлодга таълим-тарбия беришда ҳам у муҳим омиллардан бирига айланмоқда. Электрон алоқа воситалари, интернет, сунъий йўлдошлар айнан оммавий ахборот воситаларининг мисли кўрилмаган суръатлар билан ривожланишига замин яратмоқда.

Газеталар, журналлар, радио, телевидение, фотография, ҳужжатли ва бадиий кино, ахборот агентликлари, интернет сон жиҳатдан беқиёс ўсди, сифат жиҳатдан сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Компьютер, факс, "уяли" телефон, параболик антенна, электрон почта каби техник мўъжизалар оммавий ахборот воситалари ривожига катта таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимизда замон талабига мос юксак интеллектуал салоҳиятли, замонавий билим ва малакага эга, янгича дунёқараш ва мустақил фикрли мутахассислар тайёрлаш учун беқиёс имкониятлар яратилмоқда. Бу борада ахборот-коммуникация технологиялари воситалари ҳисобланмиш – медиадан таълим жараёнида фойдаланишнинг истиқболли йўналишларидан кенг фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Таълим жараёнида медиа, яъни, интернет, телевидение, радио, кино, видео, телефон ва бошқа алоқа воситалари ўз самарасини кўрсатмоқда.

Мутахассислар фикрича, медиатаълим ўқувчини мустақил фикр юритишга, ижодкорлик фаолиятларини янада ривожлантиришга, ахборот олиш, уни қайта ишлаш, умумлаштириш, хулоса чиқаришга ўргатади. Таълим жараёнида

медиаълим қанчалик мукамал бўлса, у ёш авлоднинг дунёқараши, интеллектуал салоҳияти шунчалик ривожланишига хизмат қилади. Демак, бугун медиаълим сирларини назарий жиҳатдан пухта ўрганиб, амалиётда етарли даражада қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ахборот коммуникациянинг глобаллашуви шароитида таълим жараёнида ўзига хос талаблар пайдо бўлмоқда. Бу талаблар бевосита медиаълим билан чамбарчас боғлиқдир.

Медиаълим барча таълим соҳасини сифат жиҳатдан янада юқорироқ поғонага кўтаришга, ахборот маданиятини юксалтиришга хизмат қилади. Яъни, ўқувчига ўқув жараёнида назарий билим бериш билан материалларни юқори даражадаги замонавий техника воситасида намойиш этиш имкониятига эга бўлади. Бу янгилик ва таъбир жоиз бўлса, илғор усул ўқувчиларда қизиқиш уйғотади. Улар дарс жараёнида ўша мавзуларни пухта ўзлаштиришларига хизмат қилади. Манбаларда қайд этилишича, ЮНЕСКО қошидаги кино ва телевидения бўйича халқаро кенгаш томонидан 1973 йили биринчи мартда видео таълимга шундай таъриф берилган эди: "Медиаълим деганда педагогика назарияси ва амалиётида махсус билим соҳаси сифатида қаралиётган оммавий коммуникация воситаларини эгаллаш учун назарий ва амалий кўникмаларини шакллантиришни тушуниш лозим".

Дарс жараёнида аён бўлишича, медиаълим ўқитишнинг мазмуни, усуллари ва ташкилий шакллари сифат жиҳатдан ўзгартирмоқда. Бу ўқувчиларнинг индивидуал қобилиятларини, уларнинг шахс хусусиятларини ривожлантиришга, тафаккурини бойитишга, билимларини оширишга ёрдам бермоқда. Медиаълим ресурслари ёрдамида улар у ёки бу материални тезроқ ўзлаштирадилар, ўқув жараёнига фаол иштирокчилар сифатида жалб қилинадилар.

Бугунги кунда мамлакатимизда кўплаб газета, журнал, ахборотнома-бюллетен, радио, телевидение, ахборот агентликлари, интернетда веб-сайтлар фаолият кўрсатмоқда. Улардан таълим соҳасида қанчалик самарали фойдалана олсак, медиаълим шунчалик такомиллашади, албатта. Бунинг учун

ўқувчиларга таълим-тарбия бераётган профессор-ўқитувчилар унинг асл моҳиятини тегиз равишда олишлари мақсадга мувофиқдир.

Медиа таълимнинг бош мақсади – асосий қонунларни тушунишга ёрдам беради, оддий йўналишлардаги медиа ахборот тилини ўрганиш, ўқувчининг бадиий ўсиши, ривожланишига ҳисса қўшиш, медиаматнларни қабул қилиш, ўрганиш ва малакали таҳлил этиш кўникмасини шакллантиришдан иборат. Ахборот соҳасидаги глобаллашув янги дунёқараш шаклланишига замин яратмоқда. Замонавий билимлар такомиллашган сари ахборотлардан тўғри ва самарали фойдаланиш муаммоси пайдо бўлмоқда. Ҳозирги кунда ахборотларнинг мазмунини ҳам, уларни оммавий ахборот тармоқлари орқали тарқатиш усуллари ва йўллари ҳам назорат қилишнинг деярли имкони қолмаяпти. Демак, бу масалада қандайдир чалкашликларга, хатоликларга йўл қўймаслик учун мукамал тизим зарур бўлади. Бу тизим – ўша ахборот тарқатувчи ҳамда унинг истеъмолчиси қай даражада билимли, савияси юксак ва уларнинг бир-бирларини тўғри англаши билан боғлиқ бўлади. Эндиликда айрим мутахассислар ўқувчи онгида ахборотни тўғри шакллантириш, таъбир жоиз бўлса, уни тизимли равишда тартибга солиш йўллари изламоқдалар. Дунёдаги ривожланган мамлакатлар таълим амалиётида бу соҳадаги изланишлар ўтган асрнинг 70-йилларида бошланган. Бу педагогика фанида ўзига хос йўналиш – медиа таълим пайдо бўлишига замин яратган.

Педагог олимлар, медиа таълим – ўқувчиларга бериладиган дарс, билим, маълумотнинг тез, тушунарли ва ёдда қоладиган бўлишини таъмирловчи таълим усули эканини эътироф этганлар. Ўқувчи ўқитувчининг оғзаки маърузасидан кўра, кўргазмали воситалардан фойдаланиб тушунтиришидан кўпроқ таъсирланар экан. Ана шунда улар етказилаётган мавзунини кўпроқ ёдида сақлаб қолади. Ўқувчиларда бундай дарсларга нисбатан қизиқиш юқори даражада бўлади. Демак, деярли барча фанларни ўқитишда бундай илғор усулдан фойдаланиш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Медиа таълим ўқувчиларга таълим бериш жараёнида янги усуллардан

фойдаланишни талаб этади. Медиапедагогика – янги педагогик технология хисобланади, у оммавий ахборот воситалари ёрдамида ўқувчиларни ижодий фикрлашга, тарбиялашга имкон беради. Медиапедагогика ресурсларига интернетдаги маълумотлар, телевидения, радио лавҳалари, кино, видео, аудио материаллари киради.

Давримиз тараққиётига ҳамоҳанг равишда илм хазинаси янада бойиб, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ортиб бормоқда. Ахборотлаштириш жараёнида чинакам ахборот жамияти вужудга келганини изоҳлашга ҳожат қолмаган. Шунга яраша медиа-технологиялар сони ўсиб бормоқда. Бунда тасвир, овоз ва матн том маънода уйғунлашиб, аудиовизуал маданияти ўзига хос равишда такомиллашиб бормоқда. Энди ундан таълим соҳасида ҳам кенг фойдаланиш давр тақозосига айланди.

Кўпчилик ўқувчилар гоҳида ноанъанавий усулда ўтиладиган дарсларни қизиқиш билан тинглайдилар. Ахборот технологиялари ёрдамида ўтиладиган дарслар жараёнида ана шундай усуллардан фойдаланишга имкон яралади. Бу таълим тизимини ҳам янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Яъни, глобаллашув даври ҳамда унга монанд ахборотлашган жамиятда ёш авлодни тўғри тарбиялаш, ҳаётга тайёрлаш, турли ахборотларни қабул қилиш, яхши ва ёмонни, оқ билан қорани фарқлай олишга ўрганишдир. Мутахассислар фикрича, таълим ахборотлаштириши давлат таълим дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг асосий воситаси деб эътироф этиш мумкин.

Ахборот глобаллашувининг энг муҳим хусусиятларидан бири – турли ахборотларнинг кўпайиши билан изоҳланади. Бугунги кунда интернетда қанча веб-сайт бўлса, шунча маълумотлар базаси бор. Хўш, улар қанақа ахборотлар, қандай мақсадларга хизмат қилади?

Шу ўринда бир ижодкор сифатида айтишим жоизки, ахборот базасини яратишда энг муҳими ҳам, масъулиятли, таъбир жоиз бўлса, мушкул жиҳати ҳам шу: ахборот ёзишда саводли бўлиш! Саводи ҳаминқадар одам ахборот ёза

олмайди. Саводли одам ҳам оммабоп ахборот матнини ёзишда жуда кўп меҳнат қилишига тўғри келади. Энг профессионал журналист ҳам бир жумла ёзиш учун соатлаб изланишига тўғри келади. Ёзган жумласи мазмунан қай даражада, савияси қандай, у ўқувчига нима бера олади? Муаллиф аввало шу ҳақда ўйлаши лозим. Пиширган ошингни ўзинг ич, деган таънали гапга қоладиганлар ҳақида бир ўйлаб кўринг. Бунақа таъна кимларга айтилади? Ўша оши маза-матрасиз бўлганларгами? Демак, бу уларга нисбатан тўғри танбеҳ ҳисобланади. Ахборот аталмиш маънавий неъмат яратилганида ҳам унинг ижодкорига ё раҳмат айтасиз ёки "ўзингга буюрсин" қабилида танқид қиласиз. Таассуфки, сўнгги пайтларда айрим веб-сайтларда шунача маза-матрасиз, мазмунсиз, олди-қочди "ахборот"лар ҳам кўпайиб кетаётганидан кўз юма олмаймиз.

Демак, медиатаълим асосида дарс ўтаётган ўқитувчи қандай веб-сайтдан фойдаланаётганини яхши билиши керак. Бунда ўша веб-сайт қайси нуфузли идорага қарашли эканига эмас, балки, қай даражада саводли, ишончли ҳамда асосли эканини аниқлаб (керак бўлса, "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" каби ишончли манбалардаги маълумотлар билан солиштириб) олиш лозим. Тарбиячининг ўзи ҳам тарбияланган бўлиши лозим, деганларидек, бунинг учун интернетдан фойданувчи аввало билимли, юксак савияли бўлиши даркор.

Айрим манбаларда қайд этилишича, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Франция каби давлатларда 60-йиллардан бошлаб медиатаълимга алоҳида эътибор қаратила бошлаган. Бу ўз навбатида ўқувчи ва ўқувчиларга медиамаданият дунёсига киришга, оммавий ахборот воситалари тилини, медиаматнларни таҳлил қилишни ўрганишда ёрдам берган. Айни пайтда АҚШда бир неча йирик медиатаълим марказлари фаолият кўрсатаётгани, бу ҳатто таълим стандартларига киритилаётгани яхши маълум.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳам медиатаълимга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бутун жаҳонда глобаллашув жараёнлари жадал тус олган бугунги кунда замонавий коммуникация технологиялари мамлакатимизда таълим соҳасини

янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги деярли барча таълим муассасалари компьютерлар билан таъминланмоқда. Бу технология ҳар сонияда миллионлаб вазифаларни бажарар экан. Булар орасида медиатаълим учун хизмат қиладиган дастурлар ҳам талайгина. Демак, ундан таълим соҳасини янада такомиллаштиришда ҳам самарали фойдаланиш давр талабидир. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганидек, "Бугунги кунда фақат юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган ва профессионал тайёргарликка эга бўлган ёшларгина сифатли, жадал ва инновацион тараққиётнинг энг муҳим шарти ва гарови бўла олиши, айнан улар мамлакатнинг буюк келажагини таъминлаши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб беришнинг ҳожати йўқ".

Глобаллашувнинг ижобий жиҳатлари кўп. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" китобида қайд этилганидек, ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча худудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданият бойликларини ўзлаштириш учун, улкан имкониятлар яратадиган жараён ҳисобланади. Кези келганда айтиш жоизки, глобаллашув жараёнларида ана шу ахборот технологияларидан баъзи ёвуз кучлар ғаразли мақсадларда фойдаланаётганларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Улар ўз саъйи-ҳаракатлари билан кишиларнинг тинч-фаровон ҳаётига раҳна солаётганлари ташвишли ҳолдир. Интернет орқали уюштирилаётган ахборот хуружлари ёшлар онгини заҳарлаши уларнинг келажагига болта уришдан бошқа нарса эмас. Шундай шароитда биз бу замонавий коммуникация технологияларидан кўпроқ ижобий мақсадларда фойдаланиш йўлларини топишимиз мақсадга мувофиқдир. Ана шундай самарали йўллардан бири – таълим соҳасини медиа технологиялари билан янада такомиллаштиришдир. Демак, медиатаълим ўқувчиларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш билан бир қаторда уларни турли мафкуравий тажовузлардан асрашда ҳам муҳим ўрин тутди.

2.3. Масофавий ўқитишнинг концептуал асослари

Масофавий ўқитиш тизими узлуксиз таълим тизимида кундузги, сиртки, экстернат ўқитиш тизимлари қаторида кўрилиши керак. Педагогиканинг асосий тамойилларини ўзида акс эттирадиган шахсий йўналтирилган ёндошув дунё педагогик жамоалари томонидан замонавий таълим тизимларининг барча шакллари учун тан олинган. Ўқитиш марказида ўқитиш жараёни эмас, ўқувчининг шахсий имкониятлари ва қобилиятидан келиб чиқадиган билиш фаолияти, ўрганиш туради. Ўқитувчининг фаолияти ўқувчиларнинг маҳсулий фаолиятининг ташкил этилишига йўналтирилган бўлиши керак. Бинобарин, таълим тизимининг асосий мақсади шахснинг интеллектуал ва маънавий ривожланиши, танқидий ва ижодий фикрлашни шакллантириш, ахборотлар билан ишлашни ўргатишдир.

Масофавий ўқитишдаги шахсий йўналтирилган ёндошув Интернет тақдим этаётган ажойиб имкониятларга суянган ҳолда ўқув жараёнининг таълим даражасини сезиларли оширади. Масофавий ўқитиш жараёнини шундай педагогик технологиялар асосида ташкил этиш лозимки, ўқувчиларнинг қуйидаги имкониятлари шакллансин:

- аниқ илмий ёки амалий муаммоларни ечишга татбиқ эта оладиган зарурий фундаментал билимларни олиш;
- билиш фаолияти жараёнида келиб чиққан муаммоларни дўстлар билан ҳал этиш;
- қўйилган масалаларни ечиш учун зарур бўлган қўшимча ахборот манбалари билан ишлаш;
- барча мавжуд муаммоларни бартараф этиш, эгалланган билимларни амалиётда қўллаш;
- Интернет технологиялардан фойдаланган ҳолда мустақил кузатишлар олиб бориш;
- ўз билим даражаларни, эришилган ютуқларини баҳолаш имконига эга бўлиш, ўз фаолиятини тўғрилай олиш.

Бир томондан, барча айтилганлар танқидий фикрлашни шакллантиришни келтириб чиқаради. Бошқа томондан, шундай педагогик технологияларни ва ташкилий шаклларни танлаш талаб этиладики, юқорида келтирилган ўқитиш шартларининг татбиқи танқидий фикрлашнинг шаклланишига хизмат қилсин. Танқидий фикрлаш тушунчасига тўхталамиз. Уни қисқача қилиб шундай таърифлаш мумкин: «кетма-кет аргументлаштирилган, мақсадга йўналган ўйлаш». Танқидий фикрлаш бир нечта омиллар билан характерланади:

ақлий ва ихтиёрий бошқа фаолиятни режалаштиришга интилиш.

догматизмнинг қарама-қаршиси бўлган эгилувчанлик;

чидамлилик, мақсадга эришишдаги кетма-кетлик;

ўз-ўзини тўғрилашга тайёргарлик.

Замонавий компьютер дидактик дастурлари (электрон дарсликлар, компьютер топшириқномалари, ўқув қўлланмалари, гиперматнли ахборот-маълумот тизимлари, архивлар, каталоглар, маълумотномалар, энциклопедиялар, синовчи ва шакллантирувчи тренажёр дастурлар) билимларнинг кўп соҳалари кесишуvidан келиб чиққан мультимедия – технологиялари асосида яратилади.

Рангли компьютер анимацияларидан, юқори ишланади. Сифатли графика, видеокатор, схемали, формулалар, справочник (ёрдамчи презентациялари)дан фойдаланиш – ўрганилаётган курсни динамик тасвирларнинг кетма-кет ёки тармоқланган занжири тарзида намоёниш этиш имконини беради. Мультимедиа – тизимлар дидактик материални узатишни юқори даражада қулай ва кўргазмали бўлишини таъминлайди, бу ўрганишга қизиқишни орттириш ва билимлардаги бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилади.

Мультимедиа курслари учун умумий бўлган қуйидаги талабларни олиш мумкин:

- 1) фанга кириш (тарихи, предмети, долзарблиги, мутахассислик бўйича дастурнинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва ўрни);
- 2) фан (курс) бўйича ўқув дастури;
- 3) фанни ўрганишнинг мақсад ва вазифалари;

- 4) курсни мустақил ўрганиш бўйича услубий кўрсатмалар;
- 5) мундарижа;
- 6) бўлимлар бўйича тузилган асосий мундарижа;
- 7) бўлимлар бўйича назарий ва амалий маълумотлар, тестлар, саволлар, тренинг учун жавоблари билан машқлар;
- 8) якуний тест;
- 9) мустақил ишлаш учун амалий топшириқлар;
- 10) катта бўлмаган илмий-тадқиқот ишлари учун мавзулар (мини-ИТИ);
- 11) терминларнинг изоҳли луғати;
- 12) қисқартма ва атамалар рўйхати;
- 13) хулоса;
- 14) адабиётлар рўйхати(асосий, қўшимча, факультатив);
- 15) курснинг мавзулари бўйича дарсликлардан, журналлардан олинган ва илмий мақолалар лавҳаларини ўз ичига олган хрестоматия (дайжест);
- 16) қўлланманинг муаллифи ҳақида қисқача маълумот.

Масофавий ўқитишда қўлланиладиган техник восита ва технологиялар таълимга янги технологияларнинг кириб келиши – ахборотни узатиш ва қайта ишлашнинг электрон воситаларига асосланган янги таълим технологияларининг ва ўқитиш шаклларининг пайдо бўлишига олиб келди. Масофавий ўқитишда қуйидаги техник восита ва технологиялар қўлланилади: ўргатувчи, синовчи ва алоқа воситалари. Ўргатувчи воситаларга изоҳли луғатлар, қидирув воситалари, электрон ўқув қўлланмалар, маърузаларнинг видеокурси ва бошқалар киради. Синовчи воситаларга тест саволлари, ўз-ўзини текшириш воситалари мансуб. Алоқа воситалари бўлиб форумлар, почта, аудио ва видео кассеталар хизмат қилади. Одатдаги маъруза курси анъанавий ўқитишда қуйидагини назарда тутди: маъруза, изоҳлар (ўқув материални маърузачи томонидан изоҳлаш), оғзаки, якуний имтиҳонда баҳолаш. Масофавий таълимда ўқитувчи функциясини ўргатувчи ва синовчи воситалар (тўла автоматлаштирилган, тугал дастурий

маҳсулотлар) бажаради, шунингдек, ўқитишнинг автоматлаштирилган муҳитини ташкил этувчи видео ва электрон нашр этилган услубий материал бажаради.

Электрон дарсликнинг имкониятларини мультипликация ва видеотехниканинг замонавий воситаларини қўллаган ҳолда кенгайтириш мумкин. Булар ўқув курси бўйича видеоматериаллар, ишлаб чиқариш жараёнларининг намойиши, машҳур олимларнинг чиқишлари ва бошқалар бўлиши мумкин. Электрон дарсликни яратишда маълумотлар омборини яратиш ва унга маълумотлар киритиш лозим бўлади. Бундай вазиятда маълумотлар омборига мурожаат ва унда жойлашган материаллар устида амаллар бажаришнинг айрим усуллари мавжуд бўлади.

Замонавий компьютерга мўлжалланган дидактик дастурлар (электрон дарсликлар, компьютер топшириқномалари, мультимедиа электрон дарсликлар, гиперматнли ахборот-маълумот тизимлари, электрон архивлар, электрон каталоглар, маълумотномалар, энциклопедиялар, синовчи ва шакллантирувчи тренажёр дастурлар) ўқитишнинг мультимедиа воситалари сарасига киради. Мультимедиа дидактик материални узатишни юқори даражада қулай ва кўргазмали бўлишини таъминлайди, бу ўз навбатида ўқувчиларда ўрганишга қизиқишни орттиради.

Таълим муассасасининг ахборотлашган муҳитини яратиш ўрта махсус таълим муассасаларининг барча компьютер синфларини интернетга улаш ва шу аснода интернетда мавжуд маълумотлардан, шу жумладан электрон ўқув адабиётларидан фойдаланиш имкони йўқ вазиятда локал тармоқда ишловчи олий таълим муассасасининг интернет-фазосини яратиш мумкин.

2.4. Коллеж ўқувчилари компьютер технологияларининг асосий дидактик функцияларини билиши

Компьютер технологияларидан фойдаланишда, унинг мазмунига кўра бир қанча вазифаларни бажариши мумкин. Фаол фойдаланиш имкониятига эга

компьютер технологиялари қуйидаги асосий дидактик функцияларни бажаради:

- мультимедиа технологиясини қўллаш эвазига ўқувчиларда ўқишга қизиқишни орттиради;
- бунда таълимнинг интерфаоллиги туфайли ўқувчиларнинг фикрлаш қобилиятларини фаоллаштиради ва ўқув материални ўзлаштирилишининг самарадорлигини оширади;
- реал ҳолатларда, намоёиш қилиниши қийин ёхуд мураккаб бўлган жараёнларни моделлаштириш ва кўриш имконини бериши билан муҳим ҳисобланади;
- ўқув материалларини ўзлаштирилишини фақат даражасига кўрагина эмас, балки ўқувчилар эришган мантиқ ва қабул қилишларининг даражасига кўра ҳам самарали қила олади;
- масофадан туриб таълим олишни фақат сиртдан ўқиётган ўқувчилар ёхуд ИНТЕРНЕТ таълим учунгина эмас, балки сабабли дарс қолдирган ўқувчилар учун ҳам ташкил этиш имкониятини беради;
- ўқувчиларга мустақил изланиш йўли билан материалларни излаш, топиш ҳамда муаммоли масалаларга жавоб топиш орқали маълум тадқиқот ишларини бажариш учун имконият яратади;
- ўқувчиларнинг ўқиш, курс, битирув иши ёзиш ишларида, ўқув материаллари билан мустақил танишиш, танлаш ва ахборот ҳамда маълумотларни таҳлил этиш каби масалаларни тез бажариш учун шароит яратади.

Маълумки таълим мазмунини такомиллаштиришнинг бош хусусиятларидан бири компьютер билан мулоқот жараёнида унинг доимий мурожаат қилинадиган «қўллаб-қувватловчи ахбороти»ни кўпайтириш, компьютер ахборот муҳити ва ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган даражадаги ахборот базасининг яратилганлиги, гиперматн ва мультимедиа, ўқитишда имитация, коммуникация тизимлари қабул қилинган.

Коллеж ўқувчилари билан телеконференцияни ташкил этиш

Телеконференция (teleconferencing) – икки ва ундан ортиқ гуруҳ

қатнашчиларининг ўзаро мулоқотини ташкил этиш учун электрон алоқа каналларидан фойдаланиш жараёнидир. Мавзули фикр алмашишлар модератор томонидан бошқарилади. Телеконференция жараёнида овоз, тасвир ёки компьютер маълумотлари узатилади. Телеконференцияга жўнатилган хабар унинг барча қатнашчиларига етказилади, яъни мулоқот бир стол атрофидаги мулоқот жараёнига ўхшайди. Телеконференция ўзида аудиоконференция (audioconferencing), видеоконференция (videoconferencing) ва компьютер конференциялари (computerconferencing) каби технологияларни мужассамлаштиради.

Ҳозирда компьютер технологияларининг тараққиёти интерфаол телекоммуникация технологияларининг янги техник имкониятлари видеоконференция ва аудиоконференция каби технологияларнинг ривожланишига олиб келди. Интерфаол масофавий ўқитиш тизимининг жорий этилиши видеоконференция технологиялари билан ҳамоҳанг равишда исталган масофада синхрон ахборотлар алмашинувини таъминлайди. Ҳозирда фанларни компьютерлардан фойдаланиб ўқитиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Компьютер технологияларининг имкониятларидан ўқувчиларни шахсга йўналтирилган ривожланишини, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда самарали фойдаланиш мумкин.

Педагоглар компьютердан дарсга методик материалларни тайёрлашдагина эмас, балки фанни ўқитишда зарур компьютер дастурларидан фойдаланишда, ўқувчилар билан индивидуал ишлаш жараёнида ҳам фойдаланадилар. Компьютер дастурий воситаларига киритилган интерфейсининг қулайлиги, педагогларга янги ахборот технологияларини яхши ўзлаштиришлари имконини яратади. Бу билимларни узатишда, малака ва кўникмаларни шакллантиришда катта аҳамиятга эга. Компьютер технологияларининг ўқув жараёнида асосли қўллашнинг яна бир муҳим жиҳати, реал жараёнлар ва экспериментларнинг компьютер моделини яратиш билан алоқадорлигидир. Компьютер ёрдамида маълумотларни қайта

ишлаш, модел ва натижаларнинг намоёиши, кўп ҳолларда, қиммат турадиган экспериментал қурилмаларга бўлган эҳтиёжни ўрнини босади, айрим ҳолларда (атом ва квант физика, ярим ўтказгичлар, кимё, биология, тиббиёт ва бошқа фанлардаги жараёнларни моделлаштириш) жараённи намоёиш этишнинг ягона усули саналади.

Кўриб чиқиладиган телеконференция коллеж ўқувчилари учун жуда қулай, узоқдаги маълумотни яқиндан ҳис қилган ҳолда зарур бўлган маълумотларни алмашинади. Коллеж ўқувчилари учун телеконференция барча фанлар кесимида интерфаол тарзда ташкил этилиши лозим. Бу ўз навбатида коллеж ўқувчиларини айрим фанларни мукамал ўзлаштириши, зарур маълумотларни олишига ёрдам беради. Республикамизда вилоят, туман ва шаҳар коллежларининг ўқув курслари, унинг дастурлари тасдиқланган режага киритилган бўлади, шу режа асосида телеконференцияни ташкил этиб ва унинг сўнгги натижасини масъул ходимлар назорат этиб боришлари шарт.

Видеоконференция нима учун керак деган саволга қуйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин. Инсонлар кундалик ҳаётида олаётган маълумотларни 80-85% ни кўриш орқали олади. Шунингдек, бошқарув ишлари, медицина, масофавий таълим ва бошқа жабҳаларда видеоконференцияни аҳамияти жуда муҳим. Минглаб километр масофадаги шахсларни реал вақтда мулоқотини ошириш ҳам вақт, ҳам иқтисодий тежамкорликка олиб келади.

Видеоконференцияни амалга оширишда махсус видеокамералар, мультимедиали проекторлар ва мониторлар, видеосерверлар, колонкалар ва микрофонлар ва бошқада жиҳозлар зарур бўлади.

Республикамизда ахборот телекоммуникациялари яхши йўлга қўйилган, бизда видеоконференция ташкил этилганми? деган савол бўлади, албатта бундай видеоконференциялар Тошкент давлат педагогика университети VCON, Canon, RADVision компаниялари томонидан ишлаб чиқилган видеоконференция қурилмалари ва UZNET провайдери алоқа каналидан фойдаланган ҳолда,

республикамизнинг бир қанча ОТМлари билан видеоконференция алоқасини амалга оширомоқда. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари, Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали, Гулистон Давлат университети, Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат институти, Навоий давлат кончилик институти, Тошкент Давлат юридик институти каби ОТМларни мисол келтиришимиз мумкин.

Демак, бу тарздаги ишларда коллежлараро видеоконференциялар олиб борилса таълим сифатини кўтарилишига ўз хиссасини қўшган бўларди.

Интернет тармоқларида «Электрон конференциялар» саҳифаси ҳам ташкил этилган. Улардан «**Pedagog.uz**» порталига кириш мумкин. Унда педагогик таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари педагогика фанининг долзарб масалалари, янги инновацион технологиялар, таълимнинг замонавий методлари, шакллари, воситалари бўйича электрон мунозарани ташкиллаштириш, масофадан туриб ўзаро фикр алмашиш, тажрибаларни оммалаштириш, баҳс-мунозара юритишлари учун имконият яратиш мақсадида Elektron konferensiya саҳифаси фаолият кўрсатади. Elektron konferensiya саҳифасидаги мавзуларни нафақат соҳа мутахассислари, балки рўйхатдан ўтган барча фойдаланувчилар танишиб, ўз фикр– мулоҳазаларини билдириш имкониятлари яратилган. Мақолаларнинг мавзулари, муаллифлари, мақола киритилган сана ва мақолага мурожаатлар сони кўрсатилиб борилади. Фойдаланувчи мақола мавзусига гипермурожаат амалини бажариб киради ва мақоланинг тўлиқ мазмуни билан танишиши, уни ўқиб чиқиши ва хабар қолдириш бўлимида ўз фикрини қолдириши мумкин. Мақолани жойлаштириш учун портал бўйича тегишли таълим муассасаси администраторига мурожаат қилинади. Педагогика таълим муассасалари ўқувчиларининг фан асосларини чуқур эгаллашлари учун зарур бўлган ўқув-меъёрий хужжатлар, дарсликлар ва ўқув адабиётлари, интеграллашган илмий ресурслар Elektron kutubxona шаклида тизимлаштирилган.

Elektron kutubxona ахборот-таълим ресурсларининг таълим стандартлари ва

дастурларига мослиги, муаллифлик ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, ишончлигини ошириш мақсадида тегишли экспертиза ва тасдиқдан ўтказилиб, фойдаланиш учун тақдим этилади.

ХУЛОСА

“Эртанги кунимиз – деган эди Президентимиз Ислам Каримов – ҳаётимизнинг фаровонлиги, замондан орқада қолмаслик, тараққий топган давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, эртанги истиқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилиши, биринчи навбатда, бизнинг ўрнимизга келаётган ёш авлодимизни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга, вояга етказишга чамбарчас боғлиқдир...”³

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000– Б.246.

Шу боис ҳам халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсоннинг барча ҳаракатлари, эртанги истиқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилиши, ўсиб келаётган ёш авлодимизни ҳар томонлама етук ва соғлом инсонлар қилиб тарбиялашга, вояга етказишга чамбарчас боғлиқдир. Шу боис ҳам халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсоннинг барча ҳаракатлари, эзгу ниятлари марказида фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатидан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, бошқа халқлар фарзандларидан ҳеч ким ҳам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Негаки, фақат ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўйётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиши, кўзланган юксак марраларни эгаллаши мумкин.

Ушбу битирув малакавий ишда: Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларига таълим бериш жараёнида мультимедиа тизимни қўллаш масофавий ўқишни яратиш ва ривожлантиришнинг асосий мақсади:

- касб-ҳунар коллеж ўқувчилари бир бутун таълим тизимини ривожлантиришнинг барқарор механизмни яратиш билан бирга XXI аср чақириқларига мос келиши, давлат ривожланишининг ижтимоий- иқтисодий талабларига мос келиши, шахс, жамият ва давлат талабларига мос келиши;
- Республика коллеж таълим потенциали компьютер технологиялари ва замонавий телекоммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш ҳисобига таълим сифатини ошириш;
- коллеж ўқувчиларига сифатли таълим асосий ва қўшимча таълимни асосий иш фаолияти билан параллел равишда ташкил этиш;
- касб-ҳунар коллеж ўқувчилари сифатли тайёрланган кадрлар сифатида давлат талабини қондириш.

Қўйилган мақсадларга эришиш учун мультимедиа таълим тизими олдида қуйидаги ўзаро боғлиқ масалаларни ечиш турибди:

- касб-ҳунар коллежлари масофавий таълим моделлари, нормалари ва

фойдаланишнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда ўқув дастурлари, масофавий курслар ва ўқув – услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;

- таълим бериш жараёнида мультимедиа тизимни қўллаш учун касб-ҳунар коллеж ўқитувчиларининг малакасини ошириш;

- касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларига таълим бериш жараёнида мультимедиа тизимни қўллаб ўқув жараёнини ташкил этиш ва умумий координация (мувофиқлик)ни таъминлаш, шунингдек мультимедиа тизимни ташкилий ҳуқуқий технологик, техник, ўқув-услубий соҳаларда илмий изланишлар ва ишланмалар билан таъминлаш.

Ишимиз сўнгида касб-ҳунар коллежлари амалиётига татбиқ этиш учун куйидаги **тавсиялар**ни бермоқчимиз:

1. Дарс машғулотларни мультимедиа асосида ташкил этиш учун бўлажак агроном-педагогларнинг бу борадаги билимларини ошириш;
2. Мультимедиа асосидаги дарс машғулотлари ишланмаларини, услубий қўлланмаларни яратиш;
3. Дарс машғулотларида мультимедиадан унумли фойдаланувчи илғор ўқитувчилар тажрибасини оммалаштириш;
4. Коллежларни бу борада керакли техник қурилмалар билан жиҳозлаш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000– Б.246.
«Тарбия тасвирлари» М.Йўлдошев, «Тафаккур» нашр Т-2009 йил.
«Оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шартидир». А.Жўрабоев.
Интернетдан олинган материаллар.
Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик масалалари.
2. Дистанционное обучение: Учеб. пособие / Под ред. Е.С. Полат. – М.:

- Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 1998. – 192 с.
- Куписевич Ч. Основы общей дидактики. – М.: Высшая школа, 1986.
3. В.А., Коржуев А.В. Дидактика высшей школы. – М.: 2001.
4. Чернилевский Д.В. Дидактические технологии в высшей школе. – М.: ЮНИТИ, 2002. – 437 с.
- Федоров Б.И., Перминова Л.М. Дидактические проблемы в контексте методологического обоснования// Педагогика. – 2002. – <http://www.ioso.ru/distant> – сайт Лаборатории ИОС ДО О РАО
5. Қодиров Т., Эрназаров А. Компьютерда ишлашни ўрганамиз. Методик қўлланма. -А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, 2006 й.
6. Назиров Ш.А., Қобулов Р.В. ва бошқалар. Компьютер ва офис жихозларидан фойдаланиш.-Тошкент, 2007 й.
7. Назиров Ш.А., Қобулов Р.В. Объектга мўлжалланган дастурлаш.-Тошкент, 2007 йил.
8. Марахимов А.Р., Рахмонкулова С.И. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари.- Тошкент, 2001 йил.
9. Нишонбоев Т.Н. Windows, Word ва Internet тизимларида ишлаш. (Ўқув қўлланма).- Тошкент, 2002 йил.
- 10.М.Арипов. “Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари” Тошкент. 2001й.
- 11.Рахманкулова С.И. IBM PC шахсий компьютерида ишлаш асослари. Тошкент.2001й.
- 12.Абдурахманов С.,Шожалилов А., Ғофуров С. “Инженерлик педагогикаси ва илғор педагогик технологиялари фанидан услубий-қўлланма” Тошкент. 2003й.
- 13.Фигурнов А. “Информатика” Москва. 1998.
- 14.С.Ғуломов., А.Шермухаммедов., Бегалов., “Иқтисодий информатика” Тошкент. 2000й.

Электрон таълим ресурслари:

1. www.ziynet.uz
2. www.tdpu.uz
3. www.pedagog.uz